Приложение № 8 к правилам казначейского исполнения
бюджетов бюджетной системы Республики Узбекистан

# ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ*
к договору (контракту) от 17.01.2022 г. № 312

между O'ZBEKTELEKOM и Жондор туман Ободонлаштириш бошқармаси на общую сумму 300000,00

Глава 110

Казначейский лицевой счёт 100022860062467065200110002

(в сумах)

| Наименование месяцев 2022 г. | Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации) | | | Всего |
|---|---|---|---|---|
| | 4292100 | | | |
| Январь | 100 000,00 | | | 100 000,00 |
| Февраль | 100 000,00 | | | 100 000,00 |
| Март | 100 000,00 | | | 100 000,00 |
| Апрель | | | | |
| Май | | | | |
| Июнь | | | | |
| Июль | | | | |
| Август | | | | |
| Сентябрь | | | | |
| Октябрь | | | | |
| Ноябрь | | | | |
| Декабрь | | | | |
| **Всего за год** | **300 000,00** | | | **300 000,00** |

Всего 300000,00 сум — Триста тысяч сум 00 тийин
сумма прописью

Из вышеуказанной суммы 100000 сум или 100% *** от общей суммы договора
подлежат предоплате в январ мес. 2022 г.

(*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2-х экземплярах.
(**) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода.
(***) — Месячный ______% , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до _____ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика ____________ Музаффаров Илхом Нуриддинович
(подпись) Ф.И.О.

М.П.

Главный бухгалтер заказчика ____________ Тохиров Мурод Норович
(подпись) Ф.И.О.

Принял работник казначейского подразделения ____________ (подпись)

«___» ______________ 20___ г.

Получил работник заказчика ____________ (подпись)

«___» ______________ 20___ г.

**Юридик шахслар ва юридик шахс мақомига эга бўлмаган хусусий тадбиркорларга телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш бўйича**

# ШАРТНОМА № 312

**2022 йил «17» январ** **Жондор.тумани**

Бундан кейин «Оператор» деб номланувчи телекоммуникация оператори (ваколатли шахс)

Жондор туман Телекомуникация богламаси,

**(операторнинг номланиши)**

Узбектелеком.АК

**(лицензия берган ташкилотнинг номи)**

томонидан берилган лицензия ва Низом асосида фаолият кўрсатувчи Ш.Тўхтаев

**(раҳбарнинг мансаби, исм-фамилияси)**

тимсолида бир томондан,

| **Юридик шахс,** |
|---|
| Бюджетдан маблағ олувчи ташкилот номи: Жондор туман хокимлиги Ободонлаштириш бошкармаси |
| Манзили: Жондор туман Халкобод кучаси |
| Раҳбар Ф.И.Ш. И.Музаффаров |

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1. Оператор телефон алоқасининг универсал (асосий) ва қўшимча хизматларини кўрсатиш, Абонент эса мазкур хизматлардан фойдаланиш, хамда хизматлар учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.1. Абонент тоифаси – бюджет

1.2. Абонент 2022 йилда бюджетдан алока хизматлари учун ажратилган маблаглар доирасида куйидаги график асосида хак тулашни уз зимасига олади Жумладан:

(сумда)

| Йил | 1-чорак | 2-чорак | 3-чорак | 4-чорак | Жами |
|---|---|---|---|---|---|
| 2021 йил Бюджетдан | 300000 | | | | 300000 |
| Жами: | | | | | **300000** |

Жами: 2022 йил 1-чорак учун 300 000 (Уч юз минг ) сум.

## 2. ОПЕРАТОРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

**2.1. Операторнинг мажбуриятлари:**

2.1.1. Белгиланган сифат даражасида телефон алоқаси хизматларини ўз вақтида кўрсатиш.

2.1.2. Оммавий ахборот воситаларида, Интернет, ахоли гавжум жойларда, эълонлар бериш ёрдамида корхона фаолияти, янги АТС ларни ишга тушириш, янги хизмат турлари, телекоммуникация хизматлари учун белгиланган тарифларнинг ўзгариши ва бу хизматларни кўрсатиш тартиблари ҳақида хабар бериш.

2.1.3. Универсал хизматларга тарифлар ўзгарганлигини камида 15 кун олдин оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш.

2.1.4. Абонентнинг айбисиз телефон алоқаси бузилганда абонент томонидан таъмирлаш бюросига талабнома тушган вақтдан бошлаб абонент ускунаси ишламаган кунлар учун абонент тўловларини қайта ҳисоблаб чиқиш. Қайта ҳисоб-китоблар маълумот рўйхатга олинган кундан эътиборан соат 00.00 дан бошлаб тўлик суткалар учун амалга оширилади.Техник сабабларга кўра абонент рақамининг ўзгаришини камида 10 кун олдин абонентга ёзма равишда маълум қилиш.Ўрнатилган тартибда махаллий телефон сўзлашувлари тўғрисидаги маълумот-расшифровка (детализация)ни қўшимча тўлов эвазига Абонентга бериш.

2.1.5. Абонент томонидан сотиб олинган телематик хизматлар (телефакс, телекс, ведеотекс ва ҳоказолар)нинг охирги ускуналарини шартномага қўшимча киритган холда (8-бўлимга биноан) рўйхатдан ўтказиш.

2.1.6. Оператор, шунингдек, «Умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармокларида телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидалари»да белгилаб берилган бошка бир қатор мажбуриятларга ҳам эга (бундан кейин матнда «Қоидалар»).

Кўриб чиққан юрист: RASULOV ALISHER SUNNATILLOYEVICH. Ҳужжат рақами: TB2528574650

Оперетор курсатилган хизматлар хисоб-варак фактураларини хар ойда бюджет ташкилотига такдим этиб бориш мажбуриятини олади.

2.1.7. Агар Абонент хисоб-китоб давридан кейин 2 ой давомида телефон алоқаси хизматлари учун тўловни амалга оширмаса, ушбу шартнома бир томонлама бекор қилинади.

2.1.8. Оператор «Қоидалар»да белгилаб берилган бошка бир катор хуқукларга ҳам эга.

## 2.2 Операторнинг хуқуклари:

2.2.1. Янги телефон станциялари ишга тушиши ва телефон тармоклари реконструкция қилиниши муносабати билан амалдаги «Қоидалар»га мувофик Абонентнинг рухсатисиз, аммо унга ўз вақтида хабар берган холда, телефон рақамини бепул ўзгартириб қўйиш.

2.2.2. Оператор абонент линияларига тегишли сертификати бўлмаган ускуналар (телефон аппаратлари, телематик хизмат ускуналари, ахборот узатгичлар, радиотелефонлар, радиоузайтиргич, ПК, АОН ва бошқалар)ни ўчиртиришни операторнинг техник комиссияси томонидан далолатнома тузилгандан сўнг Абонентдан талаб қилиш.

2.2.3. Қуйидаги холларда абонент ускунасини телефон тармоғига уланишини тўхтатиш:

- махаллий, шахарлараро ва халқаро телефон алокаси учун 4.6., 4.6.1.-бандларга асосан алока хизматлари тўловлари тўланмаганда (бунда телефон алокасини узиш ҳақида абонент камида 3 кун олдин телефон билан огохлантирилиши зарур);
- абонент томонидан охирги курилмаларни ишлатиш қоидалари бузилганда ва бунинг натижасида оператор коммутацион ускуналарининг нормал ишлашига халакит берган холларда;
- 2.2.4. Абонентнинг ушбу 58-23-490 ракамлари шаҳар ичида телефон сўзлашувлари алоқасига уланган.

## 3. АБОНЕНТНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Ҳар чоракда камида 1 марта Оператор билан ўзаро хисоб-китобларни аниклаш максадида солиштириш далолатномаси тузиш.

3.2. Оператор хисобидаги ёки у томонидан таъмирланадиган Абонент фойдаланиладиган уй телефон симлари ва бошқа ускуналарни ишга ярокли ҳолатда саклаш. Абонентга тегишли бўлган ёки Абонент томонидан ижарага олинган телекоммуникация воситаларининг техник меъёрларга мувофик бўлишини таъминлаш.

3.3. Алока бузилишлари ҳақида телекоммуникация боғламасининг таъмирлаш бюросига ўз вактида хабар бериш.

3.4. Корхонанинг номи, реквизитлари ўзгарганда, хонани ижарага бериш бўйича, бир ой муддат ичида ёзма равишда, санасини кўрсатган холда Операторга хабар қилиш ва амалдаги тарифлар бўйича тўловлар эвазига шартномани кайта расмийлаштириш ёки уни бекор қилиш. Ижара муддати тугаши билан ёки ижарага бериш бўйича шартнома бекор қилинадиган бўлса, телефон алоқаси хизматини кўрсатиш бўйича тузилган шартнома ижарага олувчидан ижарага берувчи бепул кайта расмийлаштирилиши мумкин. Ижарага берувчи ижара шартномасини бекор қила туриб, ижарага олувчининг Оператор олдидаги карзларини узишини назорат қилади ва карзлар мавжуд бўлган такдирда белгиланган тартибда жавобгар бўлиб хисобланади.

3.5. Абонентнинг алока «Қоидалар»ини кай даражада бажараётганини ёки абонент буюртмасига асосан таъмирлаш учун келган Оператор ходимини (агар у расми ёпиштирилган, корхона мухри босилган, амал қилиш муддати кўрсатилган гувоҳномага эга бўлса) бинога киришга рухсат этиш. Бунда Оператор ходимида бажариладиган ишлар наряди ҳам бўлиши зарур.

3.6. Абонент ускунасидан пуллик хизмат кўрсатиш учун таксофон сифатида, Интернетга кириш ва ҳоказо мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилмайди. Оператор томонидан ажратилган телефон рақамларидан телекоммуникация хизматларини кўрсатиш «Қоида»га белгиланган тартибда амалга оширилади. Ушбу банд бузилган такдирда Оператор Абонентнинг телекоммуникация тармоғига киришини оператор техник комиссияси томонидан далолатнома тузилиб, камчиликлар бартараф этилгунга кадар тўхтатиб қўйиш хукукига эга. Абонент томонидан мазкур ҳолатлар такрорланганда шартнома бир томонлама бекор қилинади.

3.7. Фақат сертификатланган телефон аппаратлари ва бошка ускуналардан абонент ускунаси сифатида фойдаланиш. Мувофиклик сертификати бўлмаган, телефон ракамини автоматик аниклаш ускунаси(АОН)дан фойдаланмаслик.

3.8. Абонент телефонларидан ва бошқа охирги қурилмаларидан амалга оширилган маҳаллий, шаҳарлараро, халқаро телефон сўзлашувлари учун тўловларни тўлик 4.3 – бандга асосан амалга ошириш.

3.9. Абонентлик курилмасини ўзбошимчалик билан ўрнатиш ва параллел телефон аппаратлари ёки бошқа радио алоқаси, телематик хизматлар ва ахборот узатгичларига улаш таъқикланади. Бу қурилмаларни улаш операторга маълум қилиниб, мувофиклик сертификатига эга бўлгач амалга оширилади. Агар, Абонент томонидан ўзбошимчалик билан абонент линиясига уланган қурилманинг уланиш вақтини аниклаш имконияти бўлмаса, абонент тўлови жорий йилнинг бошидан хисоблаб ундирилади.

Радиотелефонлар ва бошқа радиоэлектрон воситалар (10 мВт кувватли симсиз телефонлар бундан мустасно) абонент курилмаси сифатида уланган тақдирда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш Агентлиги ёки унинг ваколатли органидан бу қурилмалардан фойдаланишга рухсатнома олиниши зарур.

3.10. Телекоммуникация тармоклари иш сифатини пасайтиришга ёки уларни шикастланишига каратилган хатти-харакатларга йўл қўйилмаслиги зарур.

3.11. Абонент «Қоидалар»да белгилаб берилган бошка бир қатор мажбуриятларга ҳам эга.

## 4.Хизматларга хак тулаш

4.1. Махаллий, шахарлараро ва халкаро телефон алокаси учун тўловлар:
- 100 % олдиндан тўлов йўли билан амалга оширилади.

4.2. Олдиндан тўлов тарикасидаги тўловлар камида 1 ой олдин, лекин 12 ойдан кўп бўлмаган муддат учун амалга оширилиши мумкин.

4.3. Телефон алокаси хизматлари учун олдиндан тўланган тўлов суммаси операторнинг биллинг тизими томонидан куйидаги кетма-кетликда таксимланиб тўланади:
- абонентлик тўлови ва кўшимча хизмат турлари;
- хисоблагичлар;
- шахарлараро ва халкаро сўзлашувлар.

Ушбу бандда кўрсатилган хизматларга тарифлар ошган такдирда, улар бўйича хисоб-китоблар бунак суммаси тугагунга кадар амалда бўлган аввалги тарифлар бўйича амалга оширилади. (Агар бу хизматлар бўйича тўловлар универсал хизматларга тарифларнинг ўзгариши тўгрисида эълон берилишидан олдин амалга оширилган бўлса).

4.4. Махаллий сўзлашувлар (вактбай асосида тўлов тизими жорий этилганда), шахарлараро ва халкаро телефон алокасидан фойдаланганлиги учун тўлов хисоб варагига асосан (ахборот узатиш ва телематик хизматлардан фойдаланилганлиги учун тўловлар хам шунга киради), хисоб варагида кўрсатилган санадан бошлаб 3 банк куни ичида амалга оширилади.

4.5.1. Хисоб-китоб килинган ойдан кейинги ойнинг 10-санасигача абонент «Оператор»нинг абонентлар бўлимига кўрсатилган телекоммуникация хизматлари учун хисоб-варак фактурасини олиш учун келиши керак, кўрсатилган муддатда келмаган такдирда телефон ўрнатилган тартибда ўчириб кўйилади.

4.5.2. Абонент хохишига кўра оператор шахарлараро ва халкаро сўзлашувлар бўйича маълумот (расшифровка)ни электрон вариант(файл холати)да бериши мумкин.

4.5.3. Абонент шахарлараро ва халкаро сўзлашувлар бўйича маълумотни такрорий сўраган холларда ундан кўшимча равишда 300 сўм, агар электрон вариант(файл холати)да бўлса 100 сўм (хар бир компьютер варақи учун) олинади. Мазкур тўловлар алока хизматлари тарифлари ўзгарганида кайта кўриб чикилади.

4.6. Белгиланган муддатда алока хизматлари тўловлари тўланмаса, телефон ўчириб кўйилади, бунда оператор шартномани бекор килиш ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунларига мувофик карзларни ундириб олиш хукукига эга.

Агар Абонент хисоб-китоб давридан кейинги 2 ой давомида телекоммуникация хизматлари учун, шу жумладан, телефон ўчириб кўйилган вакт учун карзларини тўламаса, Оператор ва «Абонент» келишилган холда шартномани бекор килиш ва карзларни ўрнатилган тартибда ундириб олиш хукукига эга. Кайтадан телефон ёки бошка охирги курилмани ўрнатиш ариза бериниб тегишли тўловлар амалга оширилгач амалга оширилади.

4.7. Агар абонент тўланиши лозим бўлган пул микдорига, сўзлашув вакти ва бу сўзлашув унинг телефонига тегишли эканлигига норози бўлса, у хисоб варагини олгандан сўнг 30 кун давомида раддия ёзиши мумкин. 30 кундан сўнг эътирозлар кабул килинмайди. Текширув натижалари Абонентни каноатлантирмаса судга мурожаат килиши мумкин .

4.8. Ушбу шартноманинг 4.8-банди бўйича текширув ўтказилаётганда телефон шахарлараро ва халкаро сўзлашувларга чикиш коди(8)сиз ишлатиб кўйилади.

4.9. Хар ойнинг 1-чи куни холатида дебитор карздорлик мавжуд бўлса, «Оператор» карздорлик суммасининг 0,1% микдорида тўловнинг хар бир кечиктирилган куни учун, бу карздорлик тўлик ундириб олингунча кадар пеня хисоблайди.

4.10. Абонентнинг айби билан телефон ёки бошка охирги курилма ишламаган пайтда улардан фойдаланиш бўйича абонент тўловлари тўлик микдорда ундириб олинади.

4.11. Халкаро ва шахарлараро автоматик телефон алокасидан фойдаланилганда, тўланиши лозим бўлган сўзлашув вакти сўзлашув бошланган вактдан хисобга олинади. Телефонга уланган бирор бир техник ускуна (факс, автоматик жавоб берувчи, ракамни аникловчи ва хоказолар) билан сўзлашув амалга оширилганда тўланиши лозим бўлган сўзлашув вакти ана шу ускуналар ишга тушган пайтдан бошлаб хисобга олинади.

## 5. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1 .Низоларни хал этиш чогида томонлар ўзаро келишувга биноан иш тутадилар.

5.2 .Томонлар ўзаро келиша олмаган холларда, низолар Иктисодий судида хал этилади.

## 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Ушбу шартнома шартларини томонлар бажармаган такдирда уларнинг масъулияти Ўзбекистон Республикасининг «Фукаролик Кодекси», «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий-хукукий базаси тўгрисида»ги, «Телекоммуникациялар тўгриси»ги конунлари, «Умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармокларида телефон алокаси хизматларини кўрсатиш коидалари» ва Ўзбекистон Республикасининг бошка бир катор амалдаги конунчилик хужжатларига мувофик томонларнинг жавобгарликлари кўриб чикилади.

## 7. ФОРС-МАЖОР

7.1. Томонларнинг хохиш-истагига мутлако боглик бўлмаган холларда (табиий офатлар, нокулай об-хаво шароитлари, хукумат чора-тадбирлари, хокимият идоралари карорлари, харбий тўкнашувлар, ички тартибсизликлар ва бошка холатларда) томонларнинг ўз мажбуриятларини бажармасликлари ушбу шартномани ижро этиш бузилган деб хисобланмайди, томонларнинг шартномани бажариш муддатлари юкорида кўрсатиб ўтилган холатлар бартараф этиб бўлингунга кадар кейинга сурилади.

Форс-мажор холатларига таяниб иш кўрувчи томон ваколатли давлат органининг тасдикланган тегишли хужжатини таклим этиши керак.

## 8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ КИЛИШИ.

8.1. Мазкур шартномага ўзгартиришлар ва кўшимчалар киритиш тарафлар шартномани имзолаган пайтдан кейин бажарилиши керак.

8.2.Мазкур шартномага хар кандай ўзгартириш ва кўшимчалар улар ёзма равишда содир этилиши ва тарафларнинг бунга лозим даражада масъул бўлган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан хакикий хисобланади.

ижро этиш бузилган деб ҳисобланмайди. томонларнинг шартномани бажариш муддатлари юқорида кўрсатиб ўтилган холатлар бартараф этиб бўлингунга қадар кейинга сурилади.
Форс-мажор холатларига таяниб иш кўрувчи томон ваколатли давлат органининг тасдиқланган тегишли хўжжатини тақдим этиши керак.

## 8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ.

8.1. Мазкур шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тарафлар шартномани имзолаган пайтдан кейин бажарилиши керак.

8.2.Мазкур шартномага хар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда содир этилиши ва тарафларнинг бунга лозим даражада маъсул бўлган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан ҳақиқий ҳисобланади. (Бюджет ташкилотлари учун Газначилик бўлинмасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига мувофиқ, мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради).

8.3. Шартнома 1 йил муддатга тузилган бўлиб, муддати тугагач, тарафлардан бири уни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақида мурожаат қилмаса, шартнома кейинги йил учун узайтирилган ҳисобланади. (Бюджетдан маблағ олувчилар учун 2016 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2850-сон билан рўйхатга олинган "Ўзбекистон Республикаси Бюджет тизими бюджетларининг газна ижроси Қоидалари"га асосан амал қилиш муддати "31" декабрь 2022 йилгача белгиланади).

Шартнома янги муддатга узайтирилганда, уларнинг шартлари тарафлар келишувига биноан ўзгартирилиши мумкин.

8.4. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

8.5. Томонлар ўртасидаги ҳар қандай баҳслар, агарда ўзаро битимга келинмаса, жавобгар манзили томонидаги хўжалик суди томонидан ҳал қилинади. Томонларнинг ушбу шартнома бўйича эътирозлари, эътироз тушган кундан бошлаб 30 кун мобайнида кўриб чиқилади.

## 9. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР.

9.1 Мазкур шартнома тарафларнинг келушивуга кўра ёки бошка тараф шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, тарафлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

9.2.Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, тарафларнинг хар бирига бир нусхадан қолдирилади. Шартноманинг хар иккала нусхаси тенг юридик кучга эга.

## 10 . ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

**«Оператор»**

Жондор туман Телекомуникация боғламаси
( етказиб берувчининг номи )
Манзил: Жондор туман
Н.Ражабов кучаси 1- уй
Тел./факс 58-21-550
Х р:20210000804074838412
Банк номи: АТ Алоқа банк
Бухоро фил.
МФО 00401 ИНН 203366731
ОКОНХ 52300

Раҳбар: Ш.Тўхтаев
(Ф.И.Ш)
М.Ў.

**«Абонент»**

Жондор туман хокимлиги Ободонлаштириш бошкармаси
( бюджетдан маблағ олувчининг номи )
Манзил:Жондор туман
М.Торобий кучаси
Тел./факс 58-23-490
Газна.х/р 23402000300100001010
Банк номи Марказий банк Тошкент ш. ХККМ
МФО 00014 ИНН 201807855
ОКОНХ 90211
ш/х 100022860062467065200110002
Жондор туман Газначилик бўлинмаси
банк номи. Марказий банк Тошкент ш. ХККМ
МФО 00014 ИНН 201122919
Раҳбар: И.Музаффаров
(Ф.И.Ш)
М.Ў.

Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, ҳужжат коди: FW75615406

# ЮРИДИК АҲАМИЯТГА ЭГА ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА МУВОФИҚЛИГИ ТЎҒРИСИДА

ҲУҚУҚИЙ ХУЛОСА

1. Лойиҳанинг тури: Шартнома. FW75615406
2. Лойиҳанинг номи

**“Телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш бўйича шартнома тузиш** ” тўғрисда

3. Лойиҳа ишлаб чиқувчиси ва дастурга киритилганлиги ҳақидаги маълумот.

Жондор туман Ҳокимлига Ободонлаштириш бошқармаси томонидан ишлаб чиқилган ва 2022 йил 17 январь куни дастурга киритилган

Лойиҳа амалдаги қонун ҳужжатларига мувофик ишлаб чиқилган ва уни қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

**Жондор туман юридик хизмат кўрсатиш маркази бош юрисконсульти** **А.Расулов**

2022 йил 18 январь